

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭШБОЛТАЕВ ИҚБОЛ МАМИРЖОНОВИЧ

УЧ ВА ИККИ ЎЛЧАМЛИ ЭЛЕКТРОНЛАР СИСТЕМАЛАРИДА КЎП  
ФОТОНЛИ ЮТИЛИШ ВА СИЛЖИШЛИ ФОТОГАЛЬВАНИК  
ЭФФЕКТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚИ

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Эшболтаев Иқбол Мамиржонович**

Уч ва икки ўлчамли электронлар системаларида кўп фотонли ютилиш ва силжишли фотогальваник эффектларнинг назарий тадқики ..... 3

**Эшболтаев Иқбол Мамиржонович**

Теоретические исследования многофотонного поглощения и сдвигового фотогальванического эффекта в трех и двумерных электронных системах ..... 21

**Eshboltaev Iqbol Mamirjonovich**

Theoretical researches of multiphoton absorption and shift photovoltaic effect in three and two-dimensional electron systems ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.FM.60.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭШБОЛТАЕВ ИҚБОЛ МАМИРЖОНОВИЧ

УЧ ВА ИККИ ЎЛЧАМЛИ ЭЛЕКТРОНЛАР СИСТЕМАЛАРИДА КЎП  
ФОТОНЛИ ЮТИЛИШ ВА СИЛЖИШЛИ ФОТОГАЛЬВАНИК  
ЭФФЕКТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚИ

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM202 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Муқимий номидаги Кўқон Давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифада ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Расулов Рустам Явқачович**

физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мамадалимов Абдулгафур Тешабаевич**

физика-математика фанлари доктори, академик

**Дадамирзаев Муҳаммаджон Гуломқодирович**

физика-математика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялар универсиети**

Диссертация химояси Андижон давлат универсиети хузуридаги Ph.D.28.02.2018.FM.60.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-й. Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz), Андижон давлат универсиети мажлислар зали.)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_ ракам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-й. Тел./факс: 0(374) 223-88-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» даги \_\_\_\_ ракамли реестр баённомаси.)

**С.З. Зайнабидинов**

Илмий даражада берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

**А.О. Курбанов**

Илмий даражада берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

**И.Н. Каримов**

Илмий даражада берувчи Илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳонда жадал суратда ривожланиб бораётган оптоэлектроника, нанофизика ва фотоника соҳаларида уч ва икки ўлчамли электронли яримўтказгичли структуралар катта ўринга эга бўлиб бормоқда. Бундай структураларда кўп фотонли оптик ва фотогальваник эфектларни ўрганиш соҳасида паст инерцияли фотокучайтиргичлар, нано- ва оптоэлектрон қурилмалар яратилишига олиб келмоқда. Шу сабабдан кўп фотонли оптик ва фотогальваник эфектларда бир вақтнинг ўзида икки фотоннинг ютилиши масалаларини ўрганиш яримўтказгичлар физикаси соҳасида бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда ўлчамли квантлашган ва ҳажмий яримўтказгичларда содир бўлувчи физик жараёнларни чуқур тадқиқ қилиш борасида, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади: ёруғликнинг кутбланиш ҳолатига боғлиқ бўлган оптик ва фотогальваник эфектларнинг механизмларини аниқлаш; кутбий фотогальваник эфектига тегишли силжишли ва баллистик механизмларни бир ва икки фотонли ютилишларга нисбатан таққослаш; ёруғликнинг бир ва кўп фотонли ютилиш самараларини яримўтказгичнинг ҳақиқий зонавий тузилишини эътиборга олган ҳолда аниқлаш; мураккаб зонали яримўтказгичларда кўп фотонли ютилиш чизиқли циркуляр дихроизмнинг хоссаларини аниқлаш.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларда, жумладан, «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш»да ҳажмий ва паст ўлчамли яримўтказгичларда кечадиган оптик ва фотонли кинетик ҳодисаларни ўрганиш бўйича муҳим натижалар олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини ривожлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига, жумладан, микро-, нано- ва оптоэлектроника, фотоника каби соҳаларда қўлланиладиган кўп фотонли кутбий оптик ва фотогальваник эфектларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, жумладан 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон «2017-2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда илмий тадқиқотларга тегишли меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга

оширишга мазкур диссертациядаги илмий натижалар муайян даражада хизмат қиласы.

Шундай қилиб, уч ва икки ўлчамли ток ташувчилар тизимида кечадиган күтбий фотогальваник эффект ҳамда күп фотонли ютилишни ҳажмий ва паст ўлчамли яримүтказгичларда тадқиқ қилиш **долзарбдири** ҳамда **илмий-амалий истиқболға** әгадир.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар тараққиётининг «III. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш» устувор йўналишига доир бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фотонлар иштирок этадиган ҳодисаларнинг уч ўлчамли ток ташувчилар тизимларидағи, яъни ҳажмий яримүтказгичлардаги тадқиқоти қатор ривожланган мамлакатларнинг илмий тадқиқот институтларида олиб борилмоқда. Жумладан The American Institute of Physics (АҚШ), University of New Hampshire (АҚШ), Universität Regensburg (Германия), Institute of Physics (Варшава, Польша), академик А.Ф. Иоффе номли Физика техника институти (Санкт-Петербург), П.Н.Лебедев номли Россия ФАГа қарашли Физика институти (Москва), яримүтказгичлар физикаси институтлари (Новосибирск, Россия; Киев, Украина)да бундай тур илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

А.М.Гласс (АҚШ), фон Балтц (Германия) ва В.М.Фридкин (Москва, Россия)лар томонидан бир жинсли сегнетоэлектрикларда аномал фотоэзук тажрибада бир неча минутдан бир соатгача кузатилган. Шунингдек, К.Н.Herman (Германия) ва A.F.Gibson (АҚШ) *GaP*да, G.Ribakovs, A.A.Gudjian (Канада) ва A.A.Рогачев (Санкт-Петербург, Россия) теллурда, J.M.Doviak, S.Kothari (АҚШ) ва И.Д.Ярошецкий (Санкт-Петербург, Россия), С.Д.Ганичев (Дортмунд, Германия) *p-GaAs*да қутбий фотогальваник эффект ҳажмий яримүтказгичларда, С.Д.Ганичев (Дортмунд, Германия), В.А.Шалыгин (Санкт-Петербург, Россия) томонидан спингальваник эффект деб номланувчи янги ҳодиса яримүтказгичли наноструктураларда кузатилган.

Россия ФА академиги Ю.В.Копаев (Москва, ФИ РФА), профессорлар Г.Е.Пикус, Н.С.Аверкиев, Л.Е.Голуб, С.А.Тарасенко, Россия ФА мухбир аъзолари Е.Л.Ивченко ва М.М.Глазов (Санкт-Петербург, Россия), профессорлар В.И.Белиничер, И.Д.Стурман (Новосибирск, Россия) раҳбарлигидаги бир гурӯҳ россиялик олимлар томонидан уч, икки, бир ўлчамли яримүтказгичларда, топологик изоляторларда ҳамда графенда чизиқли ва циркуляр фотогальваник эффектларнинг қатор механизмлари назарий ишлаб чиқылган.

Мамлакатимиз олимларидан Э.З.Имамов ва Р.Я.Расулов томонидан фотонли эргаштириш, айрим қутбий оптик ва фотогальваник эффектларнинг механизмлари яримүтказгичларда назарий ўрганилган.

Бу ҳолда қуйидагилар: а) *n-GaP* яримүтказгич ўтказувчанлик зонасининг ўзига хослиги, хусусан, зонага тегишли битта тармоқнинг ўркачсимон тузилишининг бир ва икки фотонли силжишли фотогальваник эффект токига таъсири; б) мураккаб зонали яримүтказгичларда тўрт фотонли чизиқли

циркуляр дихроизми; в) коваклар бир фотонли ўтишидаги когерентли түйиниш эффектининг мураккаб валент зонали яримўтказгичларда тўрт фотонли ёруғлик ютилишининг чизиқли циркуляр дихроизмга таъсири; г) *n-GaP*даги силжишли фотогальваник эффект токига бир вақтда икки фотон ютилишининг улуши тадқиқ қилинмаган. Бундай илмий тадқиқотлар ушбу диссертацияда олиб борилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Қўқон давлат педагогика институти илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** уч ўлчамли (ҳажмий яримўтказгич) ва икки ўлчамли электронлар тизими (потенциал ўрали структура)да оптик ҳодисаларнинг ва симметрия маркази бўлмаган яримўтказгичларда силжишли фотогальваник эффектнинг микроскопик механизмларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

мураккаб зонали яримўтказгичларда тўрт фотонли ёруғлик ютилишининг чизиқли циркуляр дихроизм назариясини яратиш;

мураккаб зонали симметрия маркази бўлмаган яримўтказгичда кузатиладиган бир ва икки фотонли силжишли фотогальваник эффектнинг квант механикавий назариясини ишлаб чиқиш;

яримўтказгичларда бир ва икки фотонли ютилишда электронларнинг силжишига боғлиқ фототокнинг спектрал ва температуравий боғланишларининг математик ифодаларини аниқлаш;

яримўтказгичли ўлчамли квантлашган ўрадаги электронларнинг акустик фононларда сочилиши билан боғлиқ импульс релаксация вақтини ҳисоблаш;

олинган назарий ҳисоблашларни *n-GaP*га нисбатан кузатилган экспериментал натижалар билан солиширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектлари** мураккаб зонали тетраэдрик симметрияли *n-GaP* тур яримўтказгичлар ва икки ўлчамли электронли тизимлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** мураккаб зонали яримўтказгичда кечадиган тўрт фотонли чизиқли циркуляр дихроизм ҳодисаси ҳамда бир ва икки фотонли силжишли чизиқли фотогальваник эффектдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқ қилинган масалаларни ечишда Шреденгер тенгламаси, қаттиқ жисмлар физикаси назариясида қўлланиладиган Фейнман-Келдиш графиклар техникаси, инвариантлар методи ва зичлик матрицаси учун қайд қилинган Нейман тенгламаси қўлланилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

яримўтказгичли ўлчамли квантлашган ўрадаги электрон импульсининг релаксация вақти ҳажмий яримўтказгичлардаги электронлар импульсининг релаксация вақтидан миқдоран катта бўлиши аниқланган, паст ўлчамли электронлар тақсимот функциясини аниқлаш имконини берувчи кинетик тенглама ҳисобланган;

мураккаб зонали яримўтказгичларда фотогальваник эфектнинг икки фотон бир вактда ютилишидаги силжишли механизми квант механикаси қонунларига кўра аниқланган;

*n-GaP*да бир фотонли силжишли фототокнинг частотага боғлиқлиги аниқланган ва фототокнинг назарий ҳисобланган спектрал боғланиши тажриба натижалари билан таққосланган;

*p-GaAs*да тўрт фотонли ютилиш чизиқли циркуляр дихроизмининг микроскопик назария асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

силжишли фототокни ҳисоблаш усуллари қаттиқ жисмлар физикасидағи паст ўлчамли ток ташувчилар системасига тадбиқ этилган;

қутбий фотогальваник эфект бўйича олинган натижаларни қўллаш ҳисобига маълумотларни голографик ёзиш, сақлаш ва қайта ишлаш тизимлари, паст инерцияли фотоқабулқилгич ва оптоэлектрон қурилмаларнинг оптик хусусиятлари оптималлаштирилган;

ҳажмий ва паст ўлчамли яримўтказгичда кўп фотонли оптик ва фотогальваник эфектлар бўйича келгуси илмий тадқиқотлар стимуллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган назарий натижалар экспериментал тасдиқларининг мавжудлиги, ҳисоблашларда қаттиқ жисмлар назарияси ва квант статистик физикасида қўлланиладиган ҳозирги замон ҳисоблаш методларидан фойдаланилганлиги билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти *n-GaP*да силжишли фотогальваник эфекти ҳамда мураккаб валент зонали яримўтказгичда тўрт фотонли чизиқли циркуляр дихроизми бўйича олинган натижалар тўғрисида янги маълумотлар беришда ўз ифодасини топган.

Ишнинг амалий аҳамияти яримўтказгич ва унинг ўлчамли квантлашган структураларида кечадиган фотонли кинетик ҳодисалар оптоэлектроника, фотоника ваnanoэлектроникада қўллаш имконияти мавжудлигида, уч ва икки ўлчамли яримўтказгичларда ёруғлик қутбланишига боғлик кўп фотонли оптик ва фотогальваник эфектлар бўйича олиб бориладиган келгуси назарий ва экспериментал тадқиқотларга жорий этишда ўз ифодасини топган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Уч ва икки ўлчамли электронлар системаларида кўп фотонли ютилиш ва силжишли фотогальваник эфектлар механизмларини аниқлаш асосида:

икки фотонли силжишли фотототокнинг спектрал ва температуравий боғланиши «Кучли спин орбитал ўзаро таъсирили паст ўлчамли яримўтказгичларнинг электронли хоссалари» лойиҳасига яримўтказгичлардаги спин орбитал ўзаро таъсирили оптик ўтишларда фойдаланилган (Россия ФА А.Ф.Иоффе номидаги Физика-техника институтининг 2018 йил 15 мартағи 11217-279x/211.5-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш мураккаб валент зонали яримўтказгичларда ясси ва циркуляр

кутбланган ёруғлик таъсирида оптик ўтишларни ҳамда спин орбитал кенгайишни ўрганишга имкон берган;

мураккаб валент зонали яримўтказгичларда тўрт фотонли ютилишнинг чизиқли циркуляр дихроизми натижалари 2014/1-рақамли «Investigation of the properties of photodiodes fabricated by coating a conductive polymer on silicon» лойиҳасида яримўтказгичли фотодиодларнинг паст инерцион хоссаларини ўрганишда фойдаланилган (Улудағ университети (Туркия) HDF(F) 2014/1-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли фотоўзгартиргичларнинг ишлаш тезлигини орттиришга имкон берган;

яримўтказгичли ўлчамли квантлашган потенциал ўрадаги электронларнинг акустик фононларда сочилиши натижалари Ф2-ОТ-О-15494 рақамли «Квант нуқтали гетеро- ва нанотузилмалардаги экситонларни, поляронларни, биполяронларни ва кўчиш ҳодисаларини тадқиқ этиш асосида нурлагичлар, фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини яхшилаш» лойиҳасида квант нуқтали гетеро- ва нанотузилмалардаги оптик ҳодисаларда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги ФТА-02-11/1149-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли гетероўтишларда экситонли, поляронли ва кинетик ҳодисалар улушларини таққослаш имконини берган;

мураккаб ўтказувчанлик зонали тетраэдр симметрияли яримўтказгичларда бир фотонли силжишли фототокнинг тадқиқотлари натижалари Ф2 -21-рақамли «Яримўтказгич-диэлектрик чегарасидаги сирт ҳолатлар зичлигини аниқлашнинг математик моделлаштириш» лойиҳасида икки ўлчамли электронларнинг сирт олди соҳаларидаги ҳолатларини ўрганишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги ФТА-02-11/1149-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгич-диэлектрик контактлар соҳасидаги сирт ҳолатларини аниқлашга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 5та халқаро ва 2та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича асосий илмий натижалар жами 16та илмий ишда нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 118 бетда келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мазкур диссертация *n-GaP*да ёруғликнинг интенсивлигига чизиқли ёки квадратик боғланган фотогальваник эфектнинг электрон-фотон ўзаро таъсир ҳар бир актида электронларнинг реал фазодаги силжишига боғлиқ

бўлган микроскопик механизмларни тадқиқ қилишга бағишлиланган. Шунингдек, мураккаб валент зонали яримўтказгичда тўрт фотонли ёруғлик ютилишининг чизиқли циркуляр дихроизми тадқиқ этилган.

**Кириш** қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги қайд қилинган, хорижий ва республикамизда мавзу бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, текшириш предмети ва объекти келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда уларнинг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

**«Яримўтказгичли гетероструктуралар ва уларда қутбий фотогальваник эфектлар»** номли биринчи бобда фотогальваник самаралар тадқиқи, сўнгра ассимметриявий яримўтказгичли структураларда электронларнинг тўлқин функциялари бўйича адабиётларнинг шарҳлари келтирилган. Кўп қатламли яримўтказгичли структураларда электронлар тўлқин функцияларининг координата инверсиясига нисбатан симметриявий ва носимметриявий ташкил этувчилари, Шунингдек, спин-орбитал ўзаро таъсир эътиборга олинган ҳолда содир бўлувчи циркуляр фотогальваник эфект назарияси бўйича ҳам шарҳлар олиб борилган. Бу ҳолда электрон ва ковакларнинг ўлчамли квантлашган зоналариаро оптиканый ўтишлари эътиборга олинган, бундай ҳолда фототок миқдори ва йўналиши спин-орбитал ўзаро таъсирнинг ҳажмий, структуравий ва интерфейс инверсияли ассимметрияларга боғлиқлиги таҳлил қилинган. Бироқ бу бобда таҳлил қилинган ишларда *n-GaP*даги бир ва икки фотонли силжишли фототокка яримўтказгич зонаси ўзига хослигининг таъсири, ҳамда мураккаб зонали яримўтказгичларда ёруғликнинг тўрт фотонли ютилишига чизиқли циркуляр дихроизмига ковакларнинг бир фотонли ўтишидаги когерентли тўйиниш эфектининг таъсири назарий тадқиқ этилмаган.

**«Икки ўлчамли электронли системаларда айрим фотонли кинетик ҳодисалар»** номли иккинчи бобда потенциал тўсиқ ва потенциал ўралардан ташкил топган ва симметрия маркази бўлмаган яримўтказгичлардан ўстирилган структураларда электронлар импульсининг релаксация вақти ҳисобланган. Икки ўлчамли (*2D*) электрон импульсининг релаксация вақти учун

$$\frac{1}{\tau_{2D}^{(n',n)}} = \frac{2\pi}{\hbar} |M_D|^2 g^{(2D)} \Phi_{\vec{k}_\perp, \vec{k}_\perp}^{(n',n)} (+, q_z)$$
 муносабат аниқланган. Бу ерда  $g^{(2D)} = m^*/(2\pi\hbar^2)$ -икки ўлчамли электронларнинг ҳолатлар зичлиги,  $m^*$  -

уларнинг эфектив массаси,  $\Phi_{\vec{k}_\perp, \vec{k}_\perp}^{(n',n)} (\pm) = \int_{-\infty}^{+\infty} |Y_{\vec{k}_\perp, \vec{k}_\perp}^{(n',n)} (\pm)|^2 \frac{dq_z}{2\pi}$ ,  $q_z$ -фонон тўлқин векторининг  $z$  ташкил этувчиси,  $n, n' = 1, 2, 3, \dots$  -ўлчамли квантлашган ҳолатларнинг тартиб рақами. Охирги функциянинг қатор ҳоллар учун графиги

1-расмда келтирилган. 1-расмдан кўриняптики, акустик фононлар иштирокидаги электронлар ўтишларининг матрицавий элементлари  $q_z$  фазода осцилляцияланади. Бу ерда  $n' = n = 1$  ва  $n' = n = 2$  ҳолларда натижалар бир хил бўлади:

$$\Phi_{\vec{k}'_{\perp}, \vec{k}_{\perp}}^{(n', n)}(\pm) = \int_{-\infty}^{+\infty} \left| Y_{\vec{k}'_{\perp}, \vec{k}_{\perp}}^{(n', n)}(\pm) \right|^2 \frac{dq_z}{2\pi} = \frac{3}{2 \cdot a}. \quad (1)$$

Бу ҳолда бир хил жуфтликли ўлчамли квантлашган ҳолатлараро ўтишларда икки ўлчамли ( $2D$ ) электронлар импульсининг релаксация вақти ўра қалинлигининг камайиши билан орта боради.

Икки ( $2D$ ) ва уч ( $3D$ ) ўлчамли электронлар импульслари релаксация вақтларининг нисбати қуйидаги муносабат билан аниқланган

$$\frac{\tau_{2D}^{(2,2)}}{\tau_{3D}} = \frac{\tau_{2D}^{(1,1)}}{\tau_{3D}} = \frac{g_{2D}^{(1,1)}}{g_{3D}} = \frac{2ka}{3\pi}. \quad (2)$$

бу ерда  $g_{3D}$  – кристаллдаги электронларнинг ҳолатлар зичлиги,  $k$  – электронларнинг энергия сақланиш қонунидан аниқланган ва  $\vec{q}$  векторнинг йўналишига нисбатан ўрталаштирилган тўлқин вектори<sup>1</sup>.

(2)дан структуранинг тавсифий катталикларини, масалан, потенциал тўсиқ ва потенциал ўра қалинлигини, улардаги электронлар эффектив массаларини танлаш билан электронлар импульсининг релаксация вақтини назорат қилиш мумкинлиги келиб чиқади. Таъкидлаймизки,  $g_{2D}$  ва  $k$  катталикларнинг ўлчамли квантлашиш ҳолатлари тартиб рақамига боғлиқлигига эътибор қаратмадик. Агар бу ҳол эътиборга олинса, у ҳолда  $\tau_{2D}^{(n', n)}$  га қўшимча улуш ҳосил бўлади ва у алоҳида тадқиқот олиб бориши талаб қиласди. Ҳисоблашларда электронлар тўлқин функцияларининг координата инверсиясига нисбатан симметриявий ва носимметриявий ташкил этувчилирига эътибор қаратилган.

Шунингдек, мураккаб валент зонали яримўтказгичли кўп қатламли структураларда кечадиган кинетик ҳодисалар катталикларини ҳисоблашда зарур бўладиган номувозанатдаги  $F_{\vec{l}\vec{k}}^{(n)}$  тақсимот функцияси учун кинетик тенглама

$$\vec{v}_l \frac{\ddot{a}F_{\vec{l}\vec{k}}^{(n)}}{\ddot{a}\vec{r}} + \left( e\vec{\mathcal{E}} + \frac{e}{c} \left( \vec{v}_l^{(n)} \times \vec{H} \right) \right) \frac{\ddot{a}F_{\vec{l}\vec{k}}^{(n)}}{\ddot{a}\vec{p}} = \\ = -\frac{1}{(2\pi)^2} \sum_{n'=1,2} \left[ W_{n'l'\vec{k}',\vec{l}\vec{k}} F_{\vec{l}\vec{k}}^{(n)} \left( 1 - F_{l'k'}^{(n')} \right) - W'_{nl\vec{k},n'l'\vec{k}'} F_{l'\vec{k}'}^{(n')} \left( 1 - F_{\vec{l}\vec{k}}^{(n)} \right) \right] \quad (3)$$


Тақсимот функциясини икки ташкил этувчидан иборат деб қаралса, яъни

$$F_{\vec{l}\vec{k}}^{(n)} = f_{\vec{l}\vec{k}}^{(n)} + \Delta f_{\vec{l}\vec{k}}^{(n)} \quad (4)$$

<sup>1</sup> Умуман олганда, бу векторнинг қиймати ток ташувчилар охирги ва бошлангич ҳолатларининг тартиб рақамига боғлиқ бўлиши керак.

у холда  $f_{lk}^{(n)}$  ни тусланмаган яримүтказгич учун Больцман тақсимоти каби танлаш мүмкін, яъни  $f_{lk}^{(n)} = \exp\left[E_p^{(n)} - E_{nk}^{(n)}/k_B T\right] \Delta f_{lk}^{(n)}$  – номувозанатдаги тақсимот функциясига улуш бўлади. Бу ерда  $f_{lk}^{(n)}$ -ковакларнинг  $E_{lk}^{(n)}$  энергиясига боғлиқ бўлган мувозанатдаги тақсимот функцияси. Натижада (4) ва (3) муносабатлар эътиборга олинса ва биринчи ҳад билан чегараланилса, у холда

$$\begin{aligned} & -\frac{ef_{lk'}^{(n)}}{k_B T} \left( \vec{e} \vec{v}_{ek_\perp}^{(n)} \right) + \frac{e}{c} \left( \left[ \vec{v}_{lk_\perp}^{(n)} \times \vec{H} \right], \right) \frac{\ddot{a}}{d\vec{p}} \left( \Delta f_{lk_\perp}^{(n)} \right) = \\ & -\frac{1}{(2\pi)^3} \sum_{n', l'=1, 2} \left[ f_{lk_\perp}^{(n)} \int W_{n'l'k_\perp} \left( 1 - f_{l'k_\perp}^{(n')} \right) d^3 \vec{k}'_\perp - \left( 1 - f_{lk_\perp}^{(n)} \right) \int W_{nlk'_\perp, n'l'k'_\perp} f_{l'k'_\perp}^{(n')} d^3 \vec{k}'_\perp \right]. \end{aligned} \quad (5)$$



1-расм.  $F_i$  ( $i = 1 \div 4$ ) функциянинг  $x$  га боғланиш графиклари, бу ерда  $\times$  -  $F_1(x; n' = n = 1)$ , ■ -  $F_2(x; n' = n = 1)$ , □ -  $F_3(x; n' = n = 1)$ , ○ -  $F_4(x; n' = n = 1)$

(5)дан кўриняпти, кристалл бир жинслигини бузувчи (масалан, фонон, киришма)ларда сочилаётган коваклар тақсимот функциясининг ўзгариши иккита ҳад орқали аниқланади. Уларнинг бири ковакларнинг  $(n, l, \vec{k}_\perp)$  ҳолатдан чиқиб кетишини, иккинчиси эса дастлабки ҳолатга келишини тавсифлайди. Бу ҳолда  $l$  ва  $l'$ ларнинг бир хил қийматли ҳолатларга ўтишлар бир зона ичидаги ўтишларни,  $l$  ва  $l'$ ларнинг ҳар хил қийматларига мос келган ўтишлар зона(зона тармоқ)лараро ўтишларни англатади. Табийки, бир зона ичидаги тўғри ўтишлар ( $l = l'$ ) ҳар хил тартиб рақамли ( $n \neq n'$ ) ўлчамли квантлашган ҳолатлараро ўтишларга олиб келади.

Шунингдек, яримүтказгич валент зонасидаги ўлчамли квантлашиш ҳолатлар ва ўлчамли квантлашиш туфайли индуцирланган ҳолатлар ўртасидаги кечадиган оптик ўтишларнинг танлаш қоидаси таҳлил қилинган.

Бобнинг охирида натижаларнинг асосий хуносалари келтирилган.

**«n-GaРда бир ва икки фотонли силжишли чизиқли фотогальваник эффект»** мавзули учинчи бобда ёруғликнинг қутбланиш даражасига боғлиқ бўлган оптик ва фотогальваник эффектлар ҳам назарий, ҳам амалий аспектда бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ва айни пайтда интенсив тадқиқ олиб борилаётган фотоэлектрик ҳодисалар туркумига кириши қайд қилинган. Бир жинсли намуна бир жинсли стационар ёритилганида фототокнинг содир бўлиши фотонлар импульсининг электронларга узатилиши билан боғлиқ бўлган ҳодиса фотонли эргаштириш эффиқти деб номланади. Бу эффиқт нафақат зоналараро, балки бир зона ичида кечадиган оптик ўтишлар билан боғлиқ ҳолда кузатилиши мумкин. Бу эффиқтдан фарқли ўлароқ, бир жинсли намуна бир жинсли стационар ёритилганида фотоннинг импульсига боғиқ бўлмаган, бироқ ёруғликнинг қутбланиш даражасига боғлиқ бўлган эффиқтлар ҳам экспериментда кузатилган. Улар чизиқли ва циркуляр фотогальваник эффиқт деб номланади. Бу эффиқтларнинг икки хил тури мавжуд бўлиб, уларнинг бири баллистик, иккинчиси эса силжишли механизмидир. Бу бобда силжишли чизиқли фотогальваник эффиқти хусусида олган тадқиқот натижалари қайд қилинган.

Шунингдек, ўркачсимон яримўтказгичларнинг зонавий тузилиш таҳлиллари бажарилган ҳамда *n-GaРда* чизиқли бир фотонли қутбланган ёруғлик ютилиши спектрал ва температуравий боғланиши

$$K(\omega, T) = K_{\parallel}(\omega, T) + 2K_{\perp}(\omega, T) \quad (6)$$

кўринишида ҳисобланган. Бу ерда

$$K_{\perp}(\omega, T) = \frac{1}{8} \frac{e^2}{c\hbar} \frac{1}{n_{\omega}} \left( \frac{k_B T}{B} \right)^2 \frac{D^2}{P^2} \frac{\Delta}{\hbar\omega} \exp\left(\frac{E_F}{k_B T}\right) \exp\left(\frac{\hbar\omega - 2Ak_{z0}^2}{k_B T}\right) \quad (7)$$

$$K_{\parallel}(\omega, T) = \frac{1}{2} \frac{e^2}{c\hbar} \frac{1}{n_{\omega}} \frac{k_B T}{B} \exp\left(\frac{E_F}{k_B T}\right) \frac{1}{k_{z0}} \exp\left(\frac{\hbar\omega - 2Ak_{z0}^2}{k_B T}\right), \quad (8)$$

$k_{z0} = \frac{\Delta}{2P} \left[ (\hbar\omega/\Delta)^2 - 1 \right]^{1/2}$ ,  $\Delta$  -  $X_1$  ва  $X_3$  тармоқларнинг  $X$  нуқтага тегишли орасидаги энергетик оралик,  $n_{\omega}$  - ёруғликнинг синдириш коэффициенти,  $D$ ,  $B$ ,  $P$  - *n-GaРнинг* зонавий параметрлари. Бундан кўриняптики,  $K_{\parallel}(\omega, T)$  нинг спектрал боғланиши  $k_{z0}$  га пропорционал бўлиб,  $\hbar\omega \rightarrow \Delta$  шартда чексизликка интилевчи  $\left[ (\hbar\omega/\Delta)^2 - 1 \right]^{-1/2}$  муносабат орқали аниқланади. Бундай тур ўзига хослик ўтказувчанлик зонасидаги  $X_1$  пастки тармоқнинг «ўркачсимон» тузилиши билан изоҳланади.

Фотогальваник эффиқтни кристаллнинг симметриясига боғлиқ ҳолда кузатиш мумкин бўлган ҳолларни таҳлил қилиш имконини берувчи феноменологиявий назария қайд қилинган. Сўнгра *n-GaРда* кузатиладиган силжишли чизиқли фотогальваник эффиқт бир фотонли механизмининг микдорий назарияси қурилган.

Барча энергетик воҳалар бўйича улушлари йиғиб олинган натижавий фототок қуидагича ифодаланган

$$j_{\alpha}^{phot} = \frac{I}{\hbar\omega} K_{\omega} L_{shift} e_z (e_x \delta_{\alpha y} + e_y \delta_{\alpha x}) \quad (9)$$

бу ерда

$$L_{\text{силж}} = 3\eta_{\omega} DP^{-1}, \eta_{\omega} = \Delta/\hbar\omega, k_{\omega}^2 = [(\hbar\omega)^2 - \Delta^2]/(2P)^{-2},$$

$N'$ -электронлар концентрацияси,  $K_{\omega}$ -(6-8) ифодалар билан аниқланувчи ва ёруғликнинг ўтказувчанлик зонасига тегишли  $X_1^C$  ва  $X_3^C$  тармоқлариаро оптик ўтишга асосланиб ҳисобланган бир фотонли ютилиш коэффициенти.

Миқдорий ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, агар  $A_3 - A_1 = \hbar^2(2m^*)^{-1}$ ,  $m^* = m_1 m_2 (m_1 - m_2)^{-1}$ ,  $m^* = 0,36 m_0$ ,  $\hbar\Omega = 51 \text{ мэВ}$ ,  $\Delta = 335 \text{ \AA}$ ,  $Pa_0 = D$ ,  $a_0 = 5,4 \cdot 10^{-8} \text{ см}$  ( $a_0$ -панжара доимийси),  $T = 200 \text{ K}$ ,  $\hbar\omega = 550 \text{ мэВ}$  каби танланганида силжишли фототоқдан

$$J_{ball}^{(z)} = -4e \frac{I}{\hbar\omega} K(\omega) \left(2e_x e_y\right) \frac{Q}{P} \alpha_{\hat{\sigma}} \Omega \frac{m_1 m_2}{(m_1 - m_2)} = \frac{m_2}{(m_1 - m_2)} \tau_{1p} \left[ (\eta - 1)^{1/2} (N_q + 1) - (\eta - 1)^{1/2} \right] - \frac{m_1}{(m_1 - m_2)} \tau_{2p} \left[ \left( \eta - \frac{m_1}{m_2} \right)^{1/2} (N_q + 1) - \left( \eta + \frac{m_2}{m_1} \right)^{1/2} N_q \right] \quad \text{баллистик}$$

фототоқ миқдоран беш марта катта бўлади. Бу ерда  $m_i^{-1} = 2A_i \hbar^{-2}$ ,  $\eta = \frac{m_1 m_2}{(m_1 - m_2) m_0} (\hbar\omega - \Delta) / (\hbar\Omega)$ ,  $\alpha_{\hat{\sigma}} = \frac{e^2}{\hbar \epsilon^*} \left( \frac{m_1}{2\hbar\Omega} \right)^{1/2}$ , фрелих электрон-фонон ўзаро таъсир домийлиги,  $\tau_{ik}$ -зонанинг  $l (l = X_3, X_1)$  тармоғидаги электрон импульсининг релаксация вақти.

2-расмда  $n\text{-GaP}$  учун чизиқли ФГЭ параметри  $\tilde{D} = \chi/\sigma'$  нинг спектрал боғланишига нисбатан назарий ҳисоблаш тажриба натижалари билан солиштирилган ( $\sigma'$ -намунанинг фотоўтказувчанлиги). Ҳисоблашларда  $T = 300 \text{ K}$ ,  $\epsilon_{\omega} = 9.09$ ,  $n = 2.41 \times 10^{16} \text{ см}^{-3}$ ,  $m^{*-1} = (m_{\parallel}^{-1} + 2 \cdot m_{\perp}^{-1})/3$ ,  $\epsilon_0 = 11.1$ ,  $\rho = 4.1 \text{ \Omega/cm}^3$ ,  $m_{\perp} = 0.25 m_0$ ,  $m_{\parallel} = 4.85 \cdot m_0$  катталиклар танланган, бу ерда  $m_{\perp}$  ва  $m_{\parallel}$  - электронларнинг (кристалл асосий симметрия ўқига нисбатан танланган) кўндаланг ва бўйлама эффектив массалари. Адабиётлар таҳлилидан шу маълум бўлди,  $\tilde{\epsilon} = 2m_{\parallel} P^2 \hbar^{-2} \Delta^{-1}$  катталик қатор қийматларга эга бўлиши мумкин. Хусусан, миқдорий таҳлилда чизиқли ФГЭ параметри  $\tilde{D} = \chi/\sigma'$  назарий спектрал боғланишининг тажрибага мос келадиган  $\tilde{\epsilon}$  нинг ( $\tilde{\epsilon} = 1,2$ ) қиймати танланди. Шуни таъкидлаш ўринлики,  $\tilde{\epsilon}$  катталик 1,2дан катта қийматлар соҳасида  $\tilde{D} = \chi/\sigma'$  нинг спектрал боғланиши экспериментал графикка нисбатан ўнг томонга, аксинча эса чап тарафга силжийди.

Электрон-фонон ўзаро таъсирда асосий ролни узун тўлқин узунликли оптик фононлар ўйнаганлиги боис, баллистик фототоқ ифодасидаги электронлар импульсининг релаксация вақти фрелих ўзаро таъсирга

нисбатан ҳисобланди. Шуни таъкидлаш жоизки,  $m_{||}=2m_0$ ,  $T=300$  К,  $n=2.4\cdot10^{17}$  см<sup>-3</sup> миқдорларда баллистиқ чизиқли ФГЭнинг фотонли механизмидаги  $\tilde{D}$  катталик экспериментал натижадан 1.2 марта ортиқ, силжишли улуш эса 1.5 марта ортиқ бўлади.

Назарий ва экспериментал натижаларнинг бир-биридан бундай четлашишларини қуидаги фактларга асосланиб тушунтириш мумкин: а)  $n$ -*GaP* зонасининг  $X_1$  ва  $X_3$  тармоғидаги электронлар кўндаланг ва бўйлама эфектив массаларининг миқдоран бир-биридан фарқли эканига эътибор қаратилмаган; б) фотоуйғотилган электронларнинг ҳар битта фонон билан таъсиридаги силжиши ва асимметриявий сочилишига ҳам эътибор берилмаган. Охирги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, бу борада тадқиқотни давом эттиришга ҳам асослар бор.

Шунингдек,  $n$ -*GaP*да силжишли фотогальваник эфект икки фотонли механизмининг назарияси қурилган. Ҳосил бўладиган фототок фотоуйғотилган ток ташувчиларнинг фотонлар таъсирида ҳар бир квантли актларда реал фазода нолдан фарқли масофага силжиши билан аниқланади. Бу ҳол эса қаралаётган намунада, хусусан, яримўтказгичли кристалларда симметрия марказининг бўлмаслигини талаб қиласди.

Фотонларнинг якка-якка ютилишидан ташқари бир вақтда иккитадан ютилиши ҳам содир бўлади. Бундай ютилиш ҳам фототокка алоҳида улуш беради ва у  $n$ -*GaP*га нисбатан олиб борилган ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, унинг улуси эътиборга оладиган даражада бўлади.

$n$ -*GaP*да электронларнинг энергиявий воҳалар атрофида кечадиган икки фотонли тўғри оптик ўтишларига нисбатан силжишли ФГЭ токи учун энергетик спектрнинг сферик яқинлашишида

$$J_{shift,\alpha}^{(z)} = -e \frac{IK(\omega)}{\hbar\omega} R_\alpha \Im(\omega, T) \quad (10)$$

ёки


$$\chi_{shift} = -eQK(\omega)/(P\Delta)\Im(\omega, T) \quad (11)$$

ифодага эга бўламиз, бу ерда  $\mu_- = m_{X_1} \cdot m_{X_3} / (m_{X_1} - m_{X_3})$  - электронларнинг келтирилган массаси,  $\alpha$ -нозик структура параметри,  $A_3 = 2A_1$   $I_0 = \frac{2n_\omega}{\pi\alpha} \mu_- \omega^3$ ,  $\Im(\omega, T) = \frac{3}{5} \frac{I}{I_0} \frac{2\hbar\omega - \Delta}{\hbar\omega} \left( \frac{2\hbar\omega - \Delta}{\hbar\omega - \Delta} \right)^{3/2} e^{-\frac{2\hbar\omega}{k_B T}} \left( 1 + e^{-\frac{\hbar\omega}{k_B T}} \right)$ ,  $m_{X_1}(m_{X_3}) - X_1(X_3)$  тармоқдаги электронларнинг эфектив массаси,  $P, Q$ -зонавий параметрлар,  $\chi_{shift}$  - чизиқли ФГЭ тензори,  $R_\alpha = \frac{P}{Q} \frac{\hbar\omega}{\Delta} 2e_\beta e_\gamma \epsilon_{\alpha\beta\gamma}$ ,  $\epsilon_{\alpha\beta\gamma}$  - Ливи-Чивит тензори ( $\alpha, \beta, \gamma = x, y, z$ ).

Бобнинг охирода унга тегишли хулосалар қайд қилинган.

**«Яримўтказгичда кўп фотонли ёруғлик ютилишининг чизиқли циркуляр дихроизми»** номли тўртинчи бобда ёруғлик тўрт фотонли ютилишининг чизиқли циркуляр дихроизми, яъни ясси (чизиқли) кутбланган

ёруғлик ютилганида фотоуйғотилған ток ташувчилар импульсига күра тизгиналашиши, циркуляр (эллиптиқ) қутбланган ёруғлик ютилганида эса улар момент(спин)ларининг ориентацияланишига боғлиқ оптик ҳодисалар назарий тадқиқ қилинганды. Хусусан, ясси қутбланган ёруғлик ютилиш эҳтимоллигининг циркуляр қутбланган ёруғлик ютилиш эҳтимоллигига нисбати билан аниқланадиган коэффициент, чизиқли циркуляр дихроизм коэффициенти ҳисобланады; уларнинг феноменологиявий таҳлиллари бажарылған. Шунингдек, ёруғликнинг күп ( $N$ ) фотонли зоналараро ютилишида






**2-расм.**  $n$ - $GaP$  үчүн чизиқли ФГЭ параметри  $\tilde{D} = \frac{\chi}{\sigma'}$ , нинг матнда қайд қилинганды катталикларга нисбатан назарий ва тажрибавий спектрал боғланишлари, бу ерда  $\chi$  чизиқли ФГЭ тензори ((11) формулага к.),  $\sigma'$ -намунанинг фотоүтказувчанлиги; бутун чизиқлар назарий, доирачалар тажриба натижалари.

чизиқли циркуляр дихроизми күйидагича сифатли таҳлил қилинганды. Циркуляр қутбланган ёруғликда фотонлар  $\hbar\vec{q}$  импульси йўналишига нисбатан аниқ бир бурчакли моментга (масалан, спинга) эга бўлади. Агар бурчакли моментнинг сақланиш қонуни циркуляр қутбланган ёруғлик учун эътиборга олинса, у ҳолда  $\sigma_+$  қутбланишда у  $(+1)$  ва  $\sigma_-$  қутбланишда  $(-1)$  қиймат қабул қиласи. Чизиқли (ёки ясси) қутбланган ёруғликда фотон бурчакли моментининг  $\vec{q}$  тўлқин векторига нисбатан проекцияси мавжуд бўлмайди. Таъкидлаймизки, чизиқли ва циркуляр қутбланган ёруғликнинг кўп квантли ютилишида системанинг (атом ёки кристаллдаги электронларнинг) оралиқ (виртуал) ҳолатлари ҳар хил бўлади. Хусусан, циркуляр қутбланган ёруғлик таъсирида  $m$  сонли фотонларнинг ютилишида ( $m\langle N \rangle$ ) система нолдан фарқли ҳаракат миқдори моментига эга бўлади. Бу оптик ориентирланган система билан навбатдаги  $(m+1)$ -фотон ўзаро таъсирилашишини англашади. Шунингдек, ток ташувчилар ҳаракат миқдори

моменти проекцияларига нисбатан олинган танлаш қоидасига кўра икки ёки кўп фотонли ютилиш ёруғликнинг қутбланиш ҳолатига боғлиқ бўлади. Таъкидлаймизки, юқорида қайд қилинган ҳолда яримўтказгич кристаллида ёруғлик ютилишининг муҳит анизотропиясига боғлиқлигини эътиборга олмадик. Демак, куб симметрияли кристалларда бош симметрия ўқи йўналиши бўйлаб тарқалаётган ёруғлик  $N$  фотонли ютилиш ( $N \geq 2$ )нинг чизиқли циркуляр дихроизми ҳатто изотроп энергетик спектр яқинлашишида ҳам кузатилиши керак. Бироқ ёруғликнинг бир фотонли ютилиш коэффициенти унинг қутбланиш табиатига боғлиқ бўлмайди.

